
Маъсулиятсиз оталар !

Фуқаролик ишлари бўйича Ўзбекистон туманлараро судининг 16.06.2023 йилги қарздор А.Хожибоевдан ундирувчи Д.Хожибоева фойдасига икки нафар вояга етмаган фарзандларининг моддий таъминоти учун 1/3 қисм миқдорида алимент ундириш белгиланган. Давлат ижрочиси томонидан қарздор алиментни ўз вақтида тўлаб боришлиги ҳақида огохлантирилган ва Республикадан четга чиқиш ҳуқуқлари вақтинча чекланган. Бироқ, қарздор томонидан 10.361.000 сўм алимент пуллари ўз вақтида тўланмаганлиги, суд қарори ижроси таъминланмаганлиги сабабли унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 474 -моддасига асосан ҳужжатлар тўпланиб, ҳал қилиш учун туман ЖИБ судига юорилган. ЖИБ Бешариқ туман судининг 13.02.2024 йилги қарорига асосан 15 сутка қамоқ жазо чораси қўлланилган. Қарздор А.Хожибоевга фарзандлари учун алимент пуллари ўз вақтида тўлаб боришлигини ўйлаб кўриш учун 15 кун етрали деб умид қиламиз ! Шу каби Бешариқ тумани Капаянги қишлоғида яшовчи қарздор У.Ғаниев 9.216.000 сўм алимент пуллари ўз вақтида тўламаганлиги сабабли унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 474 -моддасига асосан ҳужжатлар тўпланиб, ҳал қилиш учун туман ЖИБ судига юорилган. ЖИБ Бешариқ туман судининг 09.02.2024 йилги қарорига асосан 15 сутка қамоқ жазо чораси қўлланилган.

Бўлим давлат ижрочиси 1-даражали юрист М.Ғиёсиддинов

2024-02-17 10:14:48